

# ЎЗБЕКИСТОН ГАЗЕТАЛАРИ КЕЧА ВА БУГУН

Абдулла Улуғов,  
*Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти  
университети профессори.*

**И**жтимоий ҳаётимизда ва жамиятнинг янада ривожланишида бошқа соҳалар қаторида, журналистика ҳам муҳим ўрин тутди. Кейинги йилларда мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, матбуот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Яна бир муҳим жиҳати, бугунги жамиятимиздаги янгиланишлар, одамларнинг ҳаётга янгича қарашларини ифода этиш, оммага янги Ўзбекистонда турли соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун, моҳиятини тушунтириб беришда янги давр журналистикаси назарияси ва амалиётининг ўрни бекиёсдир.

Айтиш жоизки, бу соҳада олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларини ҳали етарли даражада деб бўлмайти ва бу борада жиддий илмий-амалий ишлар олиб бориш лозимлиги ҳар жабҳада кўзга ташланмоқда.

Яқинда филология фанлари доктори Юсуф Ҳамдамов томонидан тайёрланиб, нашр этилган “Ўзбекистон матбуоти ривожланишининг асосий тамойиллари (назарий категориялар эволюцияси)” номли монография ўзининг долзарблиги, ҳар бир бобда муаммонинг жиддий кўйилгани билан муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, монографияда мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда журналистиканинг муҳим ўрин тўтиши атрофлича асослаб берилган. Маълумки, бугунги ривожланиш даврида янги Ўзбекистоннинг янги давр журналистикаси ўзининг шаклу – шамойили, ўрни, аҳамияти жамиятдаги юксак мавқеи билан муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу маънода, мазкур монография бугунги кун журналистикаси учун муҳим аҳамият касб этади.

Монографияда журналистиканинг назарий категорияларига кирувчи функциялари, принципларидан тортиб, айниқса, журналистиканинг мустақиллик йилларида яратилган ҳуқуқий-маънавий асосларига ҳам бирма-бир таъриф берилган. Яна бир жиҳати, китобда мустақиллик даври ва мустабидлик даври журналистикаси қиёсланиб ўрганилган. Буларнинг исботи сифатида муаллиф томонидан республикамиз марказий газеталарида босилиб чиққан турли жанрлардаги материаллар атрофлича таҳлил қилиб берилганки, бу журналистика назариясининг амалиёт билан мутаносиб тарзда иш олиб борилганлигининг эътирофидир.

Мазкур монография долзарб мавзуда ёзилгани, янги манбаларга бойлиги, кенг қамровлиги, журналистика назарияси ва амалиётининг замонавий талабларига ҳар томонлама жавоб бериши билан муҳим ўрин тутди.

Ю.Ҳамдамовнинг “Ўзбекистон матбуоти ривожланишининг асосий тамойиллари (назарий категориялар эволюцияси)” монографиясини бугунги журналистика муаммоларини ўзида акс эттирган муҳим қўлланма эканлигини эътироф этган ҳолда, бу талабалар ҳамда амалиётчилар фойдаланадиган зарур ва фойдали китоб бўлиб қолади, деган умиддамиз.